

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ, ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий мақолалар тўплами)

*СамДУ илмий-техник
кенгашишига 2016 йил 20 апрелдаги
№ 5-сонли мажлис баённомаси
билан нашрга тавсия этилган.*

Самарқанд – 2016

УЎК 902.6 (575.1)
КБК 63.4(5 Уз)
3 37

Археология, қадимги дунё тарихи ва этнология масалалари.
Илмий мақолалар тўплами. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. –154 бет.

***Ушбу илмий мақолалар тўплами Археология кафедрасининг
45 йиллиги, таниқли археолог олима Нона Армаисовна Аванесова
таваллудининг 75 йиллигига бағишланади.***

Мазкур илмий тўпланда археология, қадимги дунё тарихи ва этнология фанлари миқёсида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан сўнгги йилларда олиб борилган ва бажарилган илмий тадқиқот ишларининг ҳамда магистр ва иқтидорли талабалар илмий излашларининг асосий натижалари ўрин олган. Илмий мақолалар асосан кафедранинг илмий тадқиқот мавзуси бўлган «Икки дарё оралиги илк цивилизацияси тарихи» доирасида амалга оширилган дала ва лаборатория тадқиқотларига таяншиб ёзилган. Икки дарё оралиги, хусусан, Зарафшон воҳаси инсоният маданият тарихи кишилиқ тарихи тараққиёт босқичлари кетма-кетлигида узлуксиз, автохтон тарзда тадрижий ривожланганлиги янги археологик ва этнологик манбалар асосида ҳамда тарихий манбаларга янги ёндашув таҳлилида кундан-кунга равшан бўлмоқда. Илмий тўплам материаллари тарихчи, археолог талабалар, археология мутахассислиги магистрларига, мустақил тадқиқотчилар ҳамда Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., профессор **Джуракулов М.Д.**

Тақризчилар: т.ф.д. профессор **Саидов И.М.,**
тарих фанлари номзоди **Мирзаахмедов Ж.К.**

ISBN 978-9943-997-16-5

© Самарқанд давлат университети, 2016.

КЎКАЁЗ 1-8 ИХТИСОСЛАШГАН ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ УСТАХОНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИБТИДОИЙ ДАВР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ

Кўкаёз устахоналарининг очилиши Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлар палеолитшунослигига мутлоқо янги типдаги ёдгорликларни ҳада этди. Юртимиз ҳудудларида сўнгги палеолит даврига оид Кўлбулокнинг юкори катламлари, Тўдахотин, Самарканд сўнгги палеолит маданиятлари каторига ноёб Кўкаёз сўнгги палеолит даври ихтисослашган устахоналари ҳам қўшилди.

Юртимиз ҳудудлари палеолит даври устахоналарига бой ўлкалардан биридир. Бундай устахоналар қадимги тош даврининг турли боскичларига оид бўлиб, Тошкент воҳасининг Оҳангарон дарёси бўйларида (Қизилолма 1, 2, Жарсой, Фиштсой), Зарафшон дарёси водийсидан (Учтут, Ижонт, Вауш) ҳамда Қизилқум ҳудудларидан (Кўкча, Султон-Увайстогдаги №23 ва 24 пунктлар) топилган.

Аммо, юқорида тилга олинган устахоналар асосан тошларга бирламчи ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва факат айрим ҳоллардагина тайёр тош қуроллар ясаиб маконларга олиб кетишга мўлжалланган эди. Кўкаёз 1-8 пунктлари эса тош даврининг ажойиб тош қуроллари – бифас-санчқиларни (бифасы-наконечники) ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналардир. Шу маънода, Кўкаёз устахоналарининг топилиши юртимизда қадимги тош даври устахоналарининг эволюциясини кузатиш имконини беради ва янги тош даврига келиб Учтут тош конларининг пайдо бўлиши бежизга эмаслигини кўрсатади.

Кўкаёз 1-8 пунктлари индустрияларидаги чакмоқлаш техникаси ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу жойдан топилган сўнгги палеолит даврига оид бир ёки икки зарб майдонли, ортогонал, призматик, понасимон (клиновидный), энсиз (торцовый) нуклеуслардан ташқари, ҳозирда палеолитшуносликда номаълум бўлган «Кўкаёз типдаги леваллуа ўзаклари» топилди ва илмий муомилага киритилдики, улар Кўкаёз индустриялари таракқиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, тошларни чакмоқлаш техникаси таракқиётида илк палеолитнинг бошларидан қадимги аждодларимиз маълум бир системаларга эришганлар. Масалан: гардишсимон, елпиғичсимон, призматик чакмоқлаш системалари ва ҳ.к. Уларни биз ординар ёки оддий чакмоқлаш усуллари деб юритамиз. Бирок, бундан 300 минг йиллар муқаддам яшаган хомо еректуслар тошларни чакмоқлашнинг концептуал усулларини кашф қиладилар. Бунга авваломбор, леваллуа техникасини киритиш мумкин. Леваллуа техникасида бир нечта учириндилар чакмоқлаб олиш операцияларидан кейин синдириб олинадиган ўткир

тигли йўнилғи ибтидоий устанинг мясида олдиндан проекция қилинади ва бундай леваллуа учириндига эришиш учун бир нечта йўнилғи чикитга чиқариб юборилиши ҳам мумкин⁷⁴.

Мутахассислар концептуал тафаккурнинг вужудга келишини леваллуа техникасининг пайдо бўлиши билан боғлайдилар⁷⁵. Ўрта палеолит даврига қелиб неандертал одамлар томонидан левалуанинг яна бир усули – леваллуа типдаги пайконларни (леваллуазский остроконечник) ишлаб чиқаришни кашф қилганлар. Леваллуа типдаги пластиналар ишлаб чиқариш эса, сўнгги палеолитнинг бошланиши, яъни замонавий одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир⁷⁶.

Кўкаёз комплекслари чакмоқлаш техникасининг асосини ташкил қиладиган “леваллуа техникаси” леваллуа пластиналар ишлаб чиқариш техникасидан фарқ қилади ва умуман, ушбу техниканинг кейинги тараққиёт босқичини кўрсатади. Кўкаёздаги “леваллуа” чакмоқлаш техникаси ўзакнинг иш юзасидаги йўнишлар коплама бўлишини таъминлаш учун унинг орқа тарафидан нуклеуснинг периферияси бўйлаб зарб майдонлар ҳосил қилинади. Бундан ташқари, Кўкаёз “леваллуа” нуклеусларининг пастки учи кўшимча равишда йўнилиб, ўзакнинг ўзидаёқ учли тиғ ҳосил қилинади. Умуман, Кўкаёздаги “леваллуа” чакмоқлаш техникаси тайёр унифаслар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Сўнгра, чакмоқлаб олинган тайёр унифаснинг орқа тарафи йўнилиб бифас-санчкиларга айлантирилади. Шундай қилиб, “Кўкаёз типдаги леваллуа” чакмоқлаш техникаси бифас-санчкилар ишлаб чиқаришнинг махсус технологик усули бўлиб, палеолит даврида леваллуа техникасининг юкори даражада тараққий топганлигидан гувоҳлик беради. Кўкаёз комплексларидан топилган махсус леваллуа техникаси дунёнинг бирорта ёдгорликларида учрамайди ва шунинг учун ҳам ушбу ишда уларни “Кўкаёз типдаги леваллуа нуклеуслари”, деб номладик. Демак, Кўкаёз устахоналари дунё палеолитшунослиги учун хозиргача номаълум бўлган, янги нуклеус типини берганлиги ҳам ёдгорликнинг ахамиятини оширади.⁷⁷

Бундан ташқари, Кўкаёз комплекслари йўнилғилари орасида крестлашган техника (скрещивающийся техника расщепления) ёрдамида чакмоқланганлари ҳам учрайди. Ушбу техника сўнгги палеолит давридагина онда-сонда пайдо бўлиб, тош даврининг кейинги босқичларида ва айникса, неолит даврида кенг тарқалади. Ушбу техниканинг мавжудлиги ҳам Кўкаёз индустрияларини сўнгги палеолит даврининг юкори даражада тараққий топган шакли эканлигини кўрсатади.

⁷⁴ Kelley (H.). Contribution a l'etude de la technique de la taille levalloisienne. B.S.P.F., t. 51, p. 149-169, 13 fig., 1954.P.- 14.

⁷⁵ Нехорошев П.Е. К методике изучения нижнепалеолитической техники и технологии расщепления камня // РА, №3. М., 1993. С. -18.

⁷⁶ Bordes (F.). Stratigraphie du loess et evolution des industries paleolithiques dans l'ouest du bassin de Paris. 2. Evolution des industries paleolithiques. L.A., t. 56, p. 405-402, 23 fig., 1952.

⁷⁷ Эргашев.О.Т.Кўкаёз ботиғининг тошга ишлов бериш устахоналари.С. “ZARAFSHON”.2014.109-бет.

Кўкаёз комплексларининг тош қуроллари асосан ўйиб-кертиб ишланган тишсимон қуроллар, қирғиччалар, айрим кесгичлар ҳамда тош болталардан иборат. Юқорида таъкидланганидек, Селет маданиятининг очик типдаги кварцитли устахоналарида ҳам айнан шунга ўхшаш тош қуроллар топилган. Кўкаёз 1-8 пунктларининг қирғиччалари учириндиларнинг дистал (учириндининг пастки уч қисми) ёки бурчак қисмларида ишланган. Шундай бўлса-да, улар микропластинкасимон ретушlash ёрдамида шакллантирилганлиги ушбу қуролларни сўнгги палеолит даври билан саналаш имконини беради.

Уларга қисман ўхшаш индустриялар Борса-Келмас ботиғининг Есен 2 тепалигида ва Марказий Европа ҳудудларида ва Молдавиядаги Брензини маданияти технокомплексларидагина учрайди. Бирок, узок худудий бўшлиқларнинг мавжудлиги Кўкаёз комплексларини ушбу маданиятлар билан қандайдир алоқалари бўлганлиги ҳақида гапириш имконини бермайди. Бундан Кўкаёзликлар билан Марказий Европадаги Селет маданияти вакиллари ўртасида қандайдир маданий алоқалар бўлган эмас (чунки, улар орасида катта худудий бўшлиқ мавжуд), балки ибтидоий одамлар палеолит даврида бир хил ёки деярли бир хил техник билимларга эга бўлганликлари ва бир-бирларидан мустақил равишда бир хил техник натижаларга эришганликлари ёки Европада тош даврида тарқалган маданиятларга ўхшаш шаркий вариантлар ҳукм сурганликлари (масалан, Осиёча ашел ёки Шаркий граветти маданиятлари) ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Кўкаёз индустрияларининг санаси масаласида фақат техник-типологик кўрсаткичлар ёрдамида нисбий фикрларни айтиш мумкин. Ушбу технокомплексларда юқори даражада тараккий этган ва дунёда аналогии йўқ леваллуа техникасининг, сўнгги палеолит даври учун хос қирғиччаларнинг ва ниҳоят, эзиш (отжимная техника) техникаси ёрдамида ишлов берилган жуда юпка бифас-санчкиларнинг борлиги уларни сўнгги палеолит даври билан саналаш имконини беради.

Кўкаёз устахоналаридаги бифасларнинг Есен 2 ва Селет маданиятидаги шундай типдаги қуролларга нисбатан анча тараккий этганлигини ҳисобга олиб уларни сўнгги палеолит даврининг ўрталари билан саналаш мумкин. Бирок, Кўкаёз комплексларнинг аник санаси ҳамда уларнинг генезиси масалалари ҳозирда очик қолмоқда ва бу ёдгорликларда олиб бориладиган кейинги тадқиқотларнинг истиқболларини белгилайди.

Кейинги йиларда олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даври ёдгорликлари маданий ҳослиги масаласига қатор ойдинликлар киритмоқда. Масалан, Ўзбекистон-Россия-Белгия халқаро экспедицияси ҳамда ЎЗР ФА археология институти палеолитчилар гуруҳининг Тошкент воҳасида олиб борган тадқиқотлари натижасида Обирахмат ғор макони ва Қизиллма 2 устахонаси материаллари сўнгги палеолитнинг бошларига, яъни Европанинг ориняк маданиятига синхрон ёдгорликлар эканлигини аниқланди. Чирчиқ дарёси бўйларида аниқланган

Тўдахотин 1 ва 2 маконлари эса, мутахассислар томонидан радиокарбон саналаш ҳамда техник-типологик ўрганишлар натижасида сўнгги палеолитнинг граветти боскичига (эр. ав. 28-22 минг йилликлар) оидлиги аниқланди.

Зарафшон воҳаси сўнгги палеолит даври ёдгорликлари асосан Самарканд макони асосида талкин қилинади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича ушбу ёдгорлик индустрияси сўнгги палеолитнинг иккинчи ярми (эр.ав. 20-15 минг йилликлар) билан саналанган.⁷⁸ Бироқ, ёдгорликнинг сўнгги палеолит даври охирлари билан белгиланган санаси хақидаги фикрлар ҳам мавжуд.

Кўкаёз пунктларининг очилиши нафакат Марказий, балки бутун Қизилқум зонасида очилган дастлабки сўнгги палеолит даври ёдгорлигидир, чунки ҳозиргача ушбу чўл зоналарида сўнгги плейстоцен даврида одам яшамаган деган гоё ҳукмрон эди. Бундай дейиш учун плейстоцен даври билан шуғулланадиган мутахассислар асосан археологик далилларга асосланар эдилар. Демак, Кўкаёз пунктларининг очилиши Қизилқум худудларининг палеоэкологияси масалаларини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Шундай қилиб, Кўкаёз 1-8 пунктлари Ўрта Осиё худудларидан топилган бифас-тиғлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналар бўлиб, маданий жихатдан бошқа ёдгорликлардан фарқ қиладиган алоҳида маданиятга хос ёдгорликлардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Коробкова Г.Ф., Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии: (Специфика техники расщепления и хозяйственно-производственной деятельности) // Стратум плюс. №1. -СПб; Кишинёв; Одесса; Бухарест. 1999. С. 385-462.
2. Эргашев.О.Т.Кўкаёз ботиғининг тошга ишлов бериш устахоналари.С. “ЗАРАФШОН”.2014.109-бет.
3. Нехорошев П.Е. К методике изучения нижнепалеолитической техники и технологии расщепления камня // РА, №3. М., 1993. С. -18.
4. Келлей (Х.). Сонтрибутион а лъетуде де ла течникуе де ла таилле леваллоисиенне. Б.С.П.Ф., т. 51, п. 149-169, 13 фиг., 1954,Р.- 14.
5. Бордес (Ф.). Стратиграфия ду лоесс эт эволютион дес индустриес палеолитхикуес данс лъоуест ду бассейн де Парис. 2. Эволютион дес индустриеспалеолитхикуес. Л,А., т. 56, п. 405-402, 23 фиг., 1952.

5. Коробкова Г.Ф., Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка как эталон верхнего палеолита Средней Азии: (Специфика техники расщепления и хозяйственно-производственной деятельности) // Stratum plus. №1. -СПб; Кишинёв; Одесса; Бухарест. 1999. С. 385-462.